



Савол:

Аҳли китобларни сўйган нарсаларини ейиш мумкинми? Хоссатан россияда. Россиядаги дўконлардан гўшт сотиб олиб ейиш мумкинми? Илтимос далиллар билан.

Жавоб:

Бисмиллаҳ вассолату вассаламу ала росулиллаҳ, Оллоҳ таъоло деди: «Китоб берилган кимсалар (яхуд ва насоро)нинг таомлари сизлар учун ҳалолдир ва сизларнинг таомларингиз улар учун ҳалолдир» шу оятга биноан аҳли китобларнинг таомлари муслмонлар учун ҳалол, гўшт ҳам шу жумладан. Бунга уларнинг яшайдиган маконларининг алоқаси йўқ, эътибор уларнинг аҳли китоблигида.

Биз русиянинг дўконларида сотилаётган гўштларга ҳалол ёки ҳаром деб ҳукм кила олмаймиз. Чунки у ҳайвонлар (қўй ва моллар)ни сўйганлар муслмон, насроний ёки даҳрий бўлиши мумкин. Биз аҳли китоб деганда ўрисни, муслмон деганда ўзбек ёки татарни тушунмаслигимиз керак. Ҳукм воқеъдан воқиф бўлган кишига ҳаволадир. Бизнинг фикримизча русия дўконларидаги гўштлар шубхали. Нўъмон ибн Башир ривоят қилган ҳадисда «...кимки шубхалардан эҳтиёт бўлса дини ва шаъни учун бароатни ҳосил қилибди. Шубхаларни қилган кимса ҳаромни ҳам қилади. Бунинг мисоли ихота қилинган жой атрофида қўй боқаётган чўпонга ўхшайди. Қўйлари ихотанинг ичига ўтиб кетиши мумкин» Муслим ривояти.